
Ўзбекистон туманида Энергия ресурсларга оид қарздорликлар ундирилмоқда

Мажбурий ижро бюроси Ўзбекистон тумани бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида жорий йилнинг 6 февраль куни энергия таъминоти соҳасида назорат тизимини тартибга солиш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган йиғилиш давомида Энергоинспекция ва Мажбурий ижро бюросининг ишини такомиллаштириш, электр ва табиий газга уланишда янгича ёндашувларни жорий қилиш ҳамда дебитор қарздорликни қисқартиш юзасидан берилган топшириқлар ижроси юзасидан қуйидаги ишлар амалга оширилди.

Жорий йилнинг 12 апрель ҳолатига бўлими иш юритуvida 17 та 927,4 млн. сўмлик “Худудгазтаъминот” АЖ фойдасига ҳамда 118 та 1.794,9 млн. сўмлик “Фарғона ХЭТК” АЖ фойдасига қарз ундириш билан боғлиқ ижро хужжатлари келиб тушган.

Шундан, бюро томонидан олиб борилган мажбурий ижро ҳаркатлари давомида 13 та 569,8 млн. сўмлик “Худудгазтаъминот” АЖ фойдасига ва 90 та 1.653,9 млн. сўмлик “Фарғона ХЭТК” АЖ фойдасига қарздорликларни тўлиқ ундирилиши таъминланди.

Яъни, Ўзбекистон туманлараро иқтисодий судининг 14.02.2023 йилги қарорига асосан қарздор “Фарғона сув таъминоти” МЧЖдан ундирувчи “Фарғона ХЭТК” АЖ фойдасига 126,9 млн. сўм, Ўзбекистон туманлараро иқтисодий судининг 24.03.2023 йилги қарорига асосан қарздор “Яипан Қурилиш Инвест” МЧЖдан “Худудгазтаъминот” АЖ фойдасига 250,8 млн. сўм, Жиноят ишлари бўйича Учкўприк туман судининг 20.01.2023 йилги ҳукмига кўра, қарздор А.Эргашбоев ва А.Ибрагимовлардан “Худудгазтамиот” АЖ фойдасига 70,4 млн. сўм моддий зарарлар тўлиқ ундирилган.

Ҳозирда бюро томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 13.02.2023 йилги “Ёқилғи-энергия ресурсларидан фойдаланиш соҳасида давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан ишлар жадал олиб борилмоқда.

МИБ Ўзбекистон тумани бўлими

2023-04-14 15:37:06